

---

## Тумандаги барча хусусий корхоналарда мавжуд бўш иш ўринлари мехнат ярмаркаси ўтказилади

Мехнат ярмаркасида туман ҳудудида жойлашган 60 дан зиёд корхона ва ташкилотлар ўзларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар намуналари, корхона фаолиятини тўлиқ ёритувчи кўргазмалар ҳамда мавжуд бўлган жами 482 та бўш иш ўринлари билан қатнашишди.

Ярмаркада жами 167 нафар фуқаролар иштирок этиб, шундан 23 нафарини ёшлар ташкил этди. Ўтказилган меҳнат ярмаркасида 4 нафар фуқароларни ишга жойлаштириш учун йўлланмалар берилди. 15 нафар фуқаролар хусусий корхоналарга мустақил равишда ишга юборилди. 12 нафар фуқаролар хақ тўланадиган жамоат иши билан таминланди. 5 нафар фуқаролар чеварчилик ва ошпазлик гуруҳларига касбга ўқитиш учун юборилди.

Мехнат ярмаркаси давомида 31 нафар фуқароларга меҳнат қонунчилиги, меҳнат муҳофазаси ва бошқа масалалар юзасидан керакли маслаҳатлар берилди.

2023-02-06 13:00:27